

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва ҳаёқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Ҳазрат 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 142 (6. 631)

1988 йил 23 июнь, пайшанба

Баҳоси 3 тийин



Салмоқли улуш

○ Янги шаронда ишлашнинг ilk афзалликлари бизнинг заводимизда ҳам тобора кўга ташланиб бораётир. Сир эмаски корхонамиз мамлакатда ягона. Ишчи-хизматчиларимиз тайёрлаётган маҳсулотларга ҳоризда ҳам талаб ортиб бормоқда. Авваллари 2—3 чет мамлакатта трансформатор етказиб берилган бўлса, бугунги кунда уларнинг сон 5 тага етган. Бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта.

Заводимизда 20-30 йиллаб меҳнати синган 20 га яқин устоз ишчилар бор. Уларнинг ҳар бири меҳнатда фаоллиги билан тилга тушибди. Қолаверса, ёшларга ўз касбларининг юзлик жиҳатларини ҳам кўнгил билан сингдириб борадилар. Уларни ҳаётда ва меҳнатда фаол бўлишга ўргатишди. Ўзининг ҳам заводда ишлаётганига кўп йиллар бўлди. КПСС аъзоси. Ўтган йилнинг декабрь ойида цехинингизга эмас,

бутун заводимиз меҳнат аҳли юксак ишонч билдириб, корхона меҳнат коллективни кенгайитишнинг раиси этиб сайлашди. Бу оғир ва машаққатли иш. Бутун коллективнинг ҳужалик ҳисоби шарондаги фаоллигини назорат қилиб бориш, муаммо ва камчиликларни бартараф этишнинг кескин чораларини кўриш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда шу жамоат топиригини ҳам урда қилиш.

Корхонамизнинг иқтисодий қувватини юксалтиришда фойда олишнинг самараси катта. Бунинг учун энг муҳим кўрсаткичлар бўйича давлат планлари бажарилиши керак. Ана шундангина йил давомида 2,5 миллион сўмлик фойда оламиз.

В. КАРАМИШЕВ.

«Ташэлектромаш» заводи меҳнат коллективни кенгайитишнинг раиси, слесарь-асбоб-соз.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан



«...Алло, истагингизни эшитамиз»

Ишончли мулоқот

Бир неча кундан кейин Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси ўз иштини бошлайди. Унда КПСС Марказий Комитетининг Тезислари кўриб чиқиладиган ва мамлакатимизда ишларни қайта қуришни янада чуқурлаштириш юзасидан муҳим қарорлар қабул қилинади. Душанба кунги оқшомхоналаримиз билан бўлиб ўтган мулоқот шунинг кўрсаткичи, минглаб ҳамшаҳарларимиз қалбида Тезислар муносоиб акс садо уйғотган, уларда барча соҳаларда-

ги ишларни яхшилашга қаратилган янги таклиф ва истақлар айтилмоқда.

Биз бугун «Ишончли мулоқот» мухлисларининг редакциямизга йўллаган ана шу кўпжаб таклиф мулоҳаза ва истақларига ўзига хос яқин яқинчилик ва умуми ишларимизга жонқуярлик ҳамда қўнғачлик билан қўнғич муносабатда бўлганликларни учун уларга ўз ташаккуримизни билдиришни бурчимиз, деб ҳисоблаймиз.

Матлуба Турсунова, 207-мактаб тарбиячиси:

— Тезисларда дилдага кўп гаплар айтилган. Айниқса жамоат ташкилотлари фаолиятидаги расмийлик ва бюрократизмга ҳали узи-кеси-барҳам берилмаётгани ҳақида жуда тўғри айтилибди. Айрим идораларда, иш мезони ҳалиям қозғоқозилик, бўйқўбонликдан иборат бўлиб келмоқда. Менда шундай бир тақдир бор. Бирон ташкилот (соҳа) бошчилиги ишга унинг соҳасидаги ишларда камчиликлар йўқотилмаётганлигига қараб баҳо берилса. Масалан, агар унинг қабулхонасига арзиза кўтариб келётганлар сон 10 ой сайин кам бўлса ижобий баҳо, аксинча — агар ой сайин кўпайиб бораверса — салбий баҳо берилсин. Балки ана шунда ўша соҳада ишнинг ҳал этилиши маъмул йўллари топила-вар сарсон бўлаётганларга назорат топишар. Шунингдек, айрим қўпоқ, дилдор бошлар турғунлик дав-ридан қолган иллатларини ҳамон йўқота олинмапти. Булар ҳақида ҳам оқиқ бўлса.

«Беҳадлар» типидagi чуқур, ҳаётий воқеалар асосида, аниқ адресли материаллар. «Бир асар тарихи» каби интервьюлар бизга кўпроқ ёқади.

Абдулҳод Қожибоев, ТошДУ доценти:

— Меҳнатсиз даромадларга қарши кураш бундан ҳам кескинроқ олиб борилад. Бу ҳақда шундай тўғрилик ҳам битганам.

Тўғрилик баъзилар қилишар қўлинг, қўш ҳовли ва машина, дачалар ҳеч гап.

Самолёт олмақчи бўлар—сотишса, Бариға меҳнатсиз даромад сабаби

Ҳамма жойда таниш-билишчиликка чек қўйиш меҳнатсиз даромадларнинг йўлини кескин тўсган бўларди. Ҳозирги даврда бу масалаларга катта эътибор қаратиляпти, бу — яхши, мақсадимиз — асло бўшамасин, шунда ишларимиз янада олға боса-верад!

Ҳуррият Анжирова, «Алгоритм» заводининг инженери:

— Тезисларда: «Тарихнинг кўпгина ўткир масалаларига ҳам шу гап таллуқлидир» деган жумла бор. Гап ўтмишнинг ёритишдаги бўй-роқлик, ошқоралик, муаммоларни эркин муҳокама қилиш ҳақида боради. Ма-на, Ўзбекистон ССР тарихининг ёри-тилишини олиб кўрайлик. Бизнингча, жуда қисқа ёритилган. Истагимиз — кенгроқ ёритилса, аниқсра маъму-р кишилар ҳаёти ва фаолияти. Киши-ларнинг шон-шарафини тиклаш — биз-нинг гражданилик бурчимиздир. Ҳо-зир партиямиз бу борада кўпгина иш-ларни қилди.

Бизнинг Чилонзор районда ўт-миш авлод-аждодлар ҳурмати-ни эъ-озлашга эътиборсизликка шундай

бир факт келтирмоқчиман. Оқиқ майдонлардан бирида Ал-Хоразмий ҳайкали макети анча аялчи аҳволда ётибди. Наҳотки, шундай ўтмиш да-ҳоларидан бирига муносабат шу бўл-са?

Мирҳайдар Мирҳусанов, II группа меҳнат инвалиди, касби — врач:

«Ўз уйига бегона она» каби мақолаларнинг тарбиявий таъсир кучи бошқача, шундай мақолалар тез-тез бериб борилад.

Тезисларда оддий, аммо ҳаётий қўнғич сўзлар ёзилишини таклиф этаман: «Бизда ҳамма яхши нарсалар болаверди. Улар учун ҳамма жойда боғча-яси қурилишини кенгайти-ришга ижтисодиётни қўйиб қаратилсин». Бу оддий жумлалар, аммо катта аҳамияти бор.

Махтура Усмоиёрова, «Таштек-стильмаш» заводи кутубхонаси мудири:

Тезислар ҳақидаги таклифларни ўқиб, менда бир фикр уйғонди. Ўз касбимиз надрини ўйлаб кетдим. Қаранг, деярли ҳамма касб эгалари-нинг байрамлари бор, аммо «кўтуб-хоначлар кўни» йўқ. Негат? Кўтуб-хона ходимлари озмунчами? «Кўтуб-хона ходимлари кўни»ни таъсис этса бўлмайми?

Иккинчи таклифим шуки, аёллар бешта оилалик бўлса, 60 ёшда пенсия-га чиқиши белгиланган. Агар тўртта болалик бўлса-чи? Негат уларга имти-ёз бериш мумкин эмас?

Учинчи фикрим: фаррошлар 80 сўм маош олишад. Мадааният техникуми-ни битириб чиққанлар ҳам 80 сўм олишад. Улар кутубхоналарга иш-га кирмоқчи бўлишад-ю маош оли-гини эшитиб, ҳафсалалари пир бў-лад. Мана шундай оддий, аммо асо-ли таққослар ҳақида негат ўйлаб кў-рмаймиз?

Зарифа Хайдарова, Тошкент тўқи-мачилик комбинати ишчиси:

Мен ТошДУнинг физика-фа-культетининг кечки 2-курсидида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқий-ман. Корхонамиз мутасаддиларига шу нарсани ҳеч тушунтира олмайдим: имтиҳон ва заҳётлар даврида ўқувчи-лик отпускасини тула бериш ўрнига «Негата имтиҳонинг бор?» деб сўра-шад. Агар тўртта бўлса — тўрт кун, бешта бўлса, беш кун жавоб бериша-ди. Шу ҳам инсофдими? Ахир, ҳам ишлаб, ҳам ўқийдиганлар учун партия ва ҳукуматимиз барча имко-ниятларни яратиб берган бўлсаю қойларда мана бундай «янгиги қон-далар»ни тўқиб чиқаришса. Шу масала ҳам конференцияда тилга олинса, чакки бўлмасди.

Иккинчи масала — Олой бозори-да кооператив бор. Ҳали мактабда ўқийдими ё йўқми, билмадим. Ўс-мир кўзойнак сотиб ўтиради. Коопе-ратив бу — аҳолига хизмат кўра-тиш, уларга қўлайлик яратишнинг муҳим тури. Унда ўз ишнинг би-лимдонлари — усталари ишлашлари керак, акс ҳолда маҳсулот сифати-га

пуртутади, ўзига харидор топа ол-май, бозори насод бўлади. Энди ус-талар панада юриб, ишчи ўсимлар эзиммасга юклаб қўйишга қандай қараш керак? Ўша ўсимнинг орқа-сида онаси юрибди. Завод ва фабри-каларда не-не аёллар фидойилик кўрсатишпти, кооперативларга аса эришарлар жойлашиб олишган. Бу қанақаси?

Роза Маҳкамова, оқшомхон: — Тезисларда: Қозғоқозиликка чек қў-йилсин, бюрократизмга узи-кеси-л барҳам берилсин», деб ёзиб қўйи-шин таклиф қиламан. Чўки баъзан қозғоқда бору амалда йўқ ишлар ҳам бўляпти.

Раҳима Акбарова, Ҳамза район ободонлаштириш бошқармаси фарро-ши:

— Қайта қуриш, ошқоралик дея-нимиз. Трамвай, троллейбус ва авто-бусга бир хил абонемент сотиш йўл-га қўйилди. Бу яхши. Аммо қайси бекат, қайси йўлга қараманг, компостер қилинган абонементлар-нинг сочилиб ётганини кўрасиз. Одамлар негат фаррош меҳнатига ачи-нишмасинки-а?

Гулсум Боқиева, Ўзбекистон Ком-партияси Марказий Комитети напши-ёти босмахонаси линотипчиси:

Аннал Икромов районда тура-ман. Қурилиш кооперативлари тузи-лаётгани қувончли. Газетада улар-нинг адрес ва телефонлари бериб бо-рилад.

Санталат Юнусова, Чилонзор рай-онидagi 4-мактаб-интернат санитарка-си:

«Автодормехбаза» ҳақида газе-тагизда кам ёзила бошласа, ахлат-ни вақтида ташиб ишда яна бепар-волик, масъулиятсизлик аялганга ми-нади. Шунинг ҳисобига олинлар.

Муҳаббат Холматова, Мусасар Ха-смажон, 109 ва 127-мактаб ўқув-чи қизлари:

Газетада «Бувингон, ўқиб бе-ринг», «Болалар дунёси» материал-лари кўпайса.

Гулира Рўзиева, уй бекаси:

Кооперативда нарх-наво ҳамон қиммат. Айниқса унда болалар ки-йим-кечаклари (масалан, кўйлақлари) қимматлигига чидаб бўлмайди. Пар-тия ва ҳукуматимиз кооперативлар-ни тузишга шу мақсадда рухсат бер-ган эмас-ку, ахир.


Оқшомхонлардан С. Султонова, И. Раҳимов, М. Қомиллова, Г. Рўзиева, М. Файзуева, М. Мирзуфоров, Н. Иброҳимов, К. Абдуллаев, Х. Усмо-нов, Ш. Назирова, Д. Йўлдошев, Ф. Рўзихоннова ва бошқалар Тезислар юзасидан ўз таклиф ва истақларини йўллагани учун уларга самимий миннатдорчилигимизни билдира-миз.

Бир сўз билан айтганда «Ишончли мулоқот» мухлислари Тезислар му-лоҳамасида фаол қатнашдилар.

«Ишончли мулоқот» навбатчи: Ҳамид ИКРОМОВ.

ЗАМОНДОШИМИЗ

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегатлари



С а м о л о ч и н н и

Редакциямизда Бутуниттифоқ XIX партия конфе-ренцияси делегатлари билан учрашув бўлганда Тошкент бирлашган авиаотряди учувчиси, экипаж командира, би-ринчи классли учувчи Ғайрат Рахматов туловом билан суҳбатлашиб қолдим.

Юксак ишонч билан табриклаш, мақсадга ўтдим.

— Сиз ҳақингизда ёзиб «чек»и меннинг зиммамга тушган. Ишнинг билан бафуржа танишиб, суҳбатлашас-деган ният бор.

— Яхшики, мен билан ўча қўлинг. Ўқитимиз бемалол бўлади. Ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўрасиз. Халқи-мизда «Минг бор эшитилган бир бор кўрган афзал» де-ган мақол бор. Эртага Омскка учаман. Хўп, бўлмаса, Ҳо-зир рейсга чиқишим керак. Аэропортда учрашамиз...

Тошкент аэропорти. Одам гавжум. Ҳамма қаёққадир шошади. Рейсларини эълон қилаётган дикторнинг овози қулоқларни қоматга келтиради. Пастда кооператив та-қсилар ўз хизматини тасвир эттиришди.

Учин майдонга яқинлашди. «ТУ—154» самолёти қа-нонларини кертанча улкан пўлат қушдек саболат тўқиб турибди. Йўловчилар бири-кетини тирадан салонга чиқи-шди. Қўнғичликка қиз — стюардесса йўловчиларга муло-замат кўрсатмоқда.

Сиз ҳеч самолётга чиқатганларнинг ҳечрасини кузат-ганимиз? Бейхитёр меннинг диққатини уларнинг таш-вишли нитигои тортди. Йўловчиларнинг қиёфалари жид-дий. Нимадандир ҳадиксириб чиқатгандек туюлади, ки-шнга.

Журналистик касби шунақа — қизиқ. Ўрни келса ҳамма касбларга уйғунашиб кетади. Мен ҳам ҳозир ўзимни гўё учувчиликни ўрганаётган шогирдек ҳис эта-рдим. Ғайрат ака сўзининг устидан чиқди. Мени учувчи-лар кабинетига таклиф қилди. Кабиндаги приборларни кўриб, уларнинг қўлданган — худди осмондаги юлдуз-лардек қарақаб турганлигидан кўзингиз қамашиб кета-ди. Шунда бейхитёр уларнинг ҳаммасини ажрата олган учувчиларга «Балли!» дейсиз.

Экипаж учинга тайёргарлик кўра бошлади. Ҳамма ўз жойини эгаллади. Командир рақия орқали об-ҳавонини су-риштирди. Ҳаммаси яхши. Ҳаво оқиқ. Туман йўқ. Борт инженер Яхё Холматов, командир ўрниосари, иккинчи учувчи Тожикбой Ишмаҳамедов, штурман Иван Косенко-лар ўзларига тегишли ишларни бажариб, приборларни кўздан кечиришди. Ҳаммаси тахт бўлган, яна бир бор текшириш картаси бўйича учин олдидан қилинган тайё-ргарлик ишларини солиштириб чиқиди. Чўки учинга тайёргарлик ана шу картада аниқ акс этган. Учувчилар бирор нарсани ёддан чиқармаслик учун ана шундай қили-шад. Бу жуда муҳимдир. Экипаж учинга тайёр. Коман-дир диспетчердан учинга рухсат сўради...

○ СУРАТДА: биринчи классли учувчи, Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегати Ғайрат Рахматов. Т. Каримов фотоси.

○ (Учувчи-делегат билан бўлган суҳбатнинг давомини газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз).

ОШҚОРАЛИК, ДЕМОКРАТИЯ КЎПРОҚ БЎЛСИН

Бутуниттифоқ XIX партия конференциясининг делега-ти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ик-кинчи секретари В. П. Аниш-чев 22 июнь кунги Тошкент-да республика омавий ах-борот воситалари ходимлари билан учрашди.

Учрашувда республика пар-тия ташкилотларида аниқ олиб кетган Бутуниттифоқ

XIX партия конференцияси-га тайёргарлик ишларининг бориши таҳлил қилинди. Бу тайёргарлик фақат умумпар-тиявий эмас, шу билан бир-га умумхалқ тусини олган қайид қилиб ўтилди. Ўн минглаб ва юз минглаб ком-мунистлар ҳамда партиясиз-лар, Ўзбекистон меҳнатқаш-ларининг кўпчилиги КПСС Марказий Комитети Тезис-

ларини муҳокама қилишга фаол қўшилдилар. Партия марказий органларига, газе-та ва журналларнинг редак-цияларига меҳнатқашлардан келатган таклифлар ва му-лоҳазалар билдирилган жу-да кўп хатлар Ўзбекистон меҳнатқашлари мамлакат коммунистларининг яқинла-шиб келатган анжуманига зўр қизиқиш билан қараёт-

ганликларидан далолат бе-риб турибди. Омавий ахбо-рот воситалари, деб таъкид-ланди учрашувда. Бутун-иттифоқ XIX партия конфе-ренцияси қарорларини про-паганда қилишда муҳим роль ўйнаши лозим.

В. П. Анишчев журна-листларнинг саволларига ба-тафсил жавоб қайтарди. (ЎзТАГ).

Фан—ишлаб чиқаришга

Назорат сифати яхшиланади

Пахта териш машиналари-нинг иш умуми ошмишга ай-ланмаётган шиндидларнинг ўз вақтида аниқлиниш сезилар-ли даражада таъсир этди. Шундан келиб чиқиб Ўзбеки-стон ССР Фанлар академияси Кибернетика институтининг олимлари Тошкент политех-ника институтининг ходимлари билан биргаликда ҳам пахта териш жараёнида, ҳам тенд-деги синиолаш вақтида шиндид-ларга айланиш тезлигини ав-томатик равишда назорат қи-лувчи махсус қурилмани ярат-дилар.

Янги қурилма автоматика ва ҳисоблаш техникасининг ин-дуктив датчик, доимий магнит-лар, аналогли ва рақамли эле-

ментлари билан таъминланган. Бундай замонавий қурилма ўлчовларни юксак аниқликда амалга ошириш имконини бе-ради, назоратнинг ало си-фатли бўлишини таъминлайди. Биргина ана шундай қурилма-нинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши бир йилда қарийб 2 минг сўм иқтисодий самара беради.

Мутахасссларнинг тавсия-ларига кўра янгиликдан агро-сановат корхоналарида қишлоқ хўжалиги техникасининг, авто-мобилларнинг, тўқимачилик ус-куналарининг узелларини си-новдан ўтказиш, иш фаолияти-ни назорат қилиб боришда фойдаланиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ

ПРЕЗИДИУМИНИНГ

ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР 33-УНИВЕРСИТЕТ САЙЛОВ

ОКРУГИДАН ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА

ДЕПУТАТ САЙЛАШ КУНИНИ

КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Университет сайлов округи сайловчиларининг асосий қисминини ташкил этадиган студентлар каникулга чиққан-лиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Тошкент шаҳар 33-Университет сайлов округидан Ўз-бекистон ССР Олий Советига депутат сайлаш кун 10 июлдан 1988 йил 18 сентябрь ақшона кунига қўйири-лсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Тошкент шаҳри, 1988 йил 22 июнь.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Тошкент шаҳри, 1988 йил 22 июнь.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Тошкент шаҳри, 1988 йил 22 июнь.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

Тошкент шаҳар Совети иж-роия комитети навбатдаги мажлисида шаҳар сазавот омборхоналари моддий-тех-ника базасининг аҳоли, улар-дан фойдаланишнинг самара-дорлиги, мева-сазавот махсу-лотлари ва картошка тайёрла-ш, асраш ҳамда реализация қи-лишда стандарт талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

«Ташлодоовошчиром» бир-лашмаси ва унинг район кор-хоналари томонидан моддий-техника базаларини мева-сазавот махсулотларини сақ-лаш учун қабул қилишга тайёрлаш юзасидан муайян ишлар олиб борилаётганини қайда эълон. 1988 йилда жам-ми 51 минг тонна ситмига эга бўл-ган омборхоналар, шу жумла-дан 21 минг тонна ситмига эга бўлган, совутиш жиҳоз-лари бўлган омборхоналар қури-лиши мўлжалланмоқда.

Шу билан бирга омборхона-лар, базалар ва объектларни 1988 йил мева-сазавот мах-сулотлари ҳосилини қабул қи-лишга тайёрлашда камчилик-лар ҳам мавжуд. Йи-рки мева-сазавот комби-нотлари ва бошқа объектлар су-стаклилик билан ремонт қи-линимоқда. Картошка ва мева-сазавотлар сақлашдаги ом-борхоналарнинг атиги 13 про-центи, тузалаш зорларининг 10 проценти ремонт қилинган. Бирлашма магазинларнинг атиги 56 проценти капитал ремонтдан чиқарилган.

Савдо-технология жиҳозла-ридан (бош инженер В. В. Улубеков) рационал фойдала-

ниш юзасидан таъсирчан чора-тадбирлар қўрилган. Бир-лашмадеги ҳар йили 44 минг тонна махсулотни қадоқлаш қуввати эга бўлган давжуд 55 қадоқлаш линиясидан 47 таснига ўрнатилган, уларнинг ҳам учдан бир қисми қуввати-дан фойдаланилмоқда. Нати-жада қадоқлаш плани атиги 38 процент бажариляпти. Ма-селан, 18 сазавот қадоқлаш ли-нияси, 3 ўраш-жойлаш ма-шиниси бўлган Ҳамза район улгурчи-чакана мева-сазавот комбинети (директори Т. В. Умаров) қадоқлаш плани 16 процент бажарган ҳолос. Мах-сулотлар сараланмаган ва қа-доқлашнинг ҳолда таққили-ди, натижада ана шу ишлар-ни бажариш учун магазинлар-да ходимларнинг катта ште-тини ушлашга тўғри келди.

88 та кўтарма-транспорт ме-ханизмидан 52 тасига ишга яроқли ҳолда.

«Ташлодоовошчиром» бир-лашмасининг бош директори У. К. Мухаммадалиев Тошкент шаҳар Совети ижроия коми-тетининг ортиқча сазавот махсулотларини қайта ишлаш ҳақиндаги тақдирларини йўл қўйилган камчиликлар ва бузи-лишлар учун масъулияти тў-ғрисидаги масала кўриб чиқи-лишини илтимос қилиш зарур деб топилди.

Тошкент шаҳар Советининг савдо, умумий оқватлиниш ва пулли хизматлар соҳаси бўйи-ча доимий комиссияси бирлаш-ма моддий-техника базасини мева-сазавот махсулотларини тайёрлаш, асраш ҳамда реали-зация қилишда стандарт талабларига риоя қилиш тўғ-рисидаги масалани бирлашма кенгашида муҳокама қилишни таклиф этди. Омборхоналар, базалар, магазинлар, кўтариш-транспорт меҳанизмлари, қа-доқлаш линиялари ва бошқа объектлар реконтини 1988 йил 1 сентябрдан кечикмай тугал-лаш юзасидан чора-тадбирлар-ни кўриш таклиф этилди. Колхоз ва совхозлардан сазавотларни қабул қилишда дав-лат стандартлари ва преис-курентларга риоя қилиш улар-нинг сифатига доир сертифици-кага эга бўлиш, эртанги қара-мини галмада унинг тар-кибидеги нитрат миқдорини аниқлаш мақсадида лабора-тория анализларини ўтказиш топширилди.

Мажлисида бошқа қатор маса-лалар муҳо



Самолётнинг парралари аста-секин айлана бошлади. Сўнг чархаладек айланишга киришди. Қудратли двигателлар ишга тушди.

— Кетдик, — деди командир.

Самолёт жойидан аста қўзғалди. Учин йўлагича юриб кетди. Сўнг қанотларини бир қўйиб олган бургутдек силкиниб, асфальт-бетон узра пилдираб кетди. Бир зум ўтмай гилдираклар ердан узилди. Юракларда бир энтикиш пайдо бўлди. «Оёқ»ларини йиғиштириб олган, тикка кўтарила бошлади. Қўзлаган баландликка чиққач, самолёт текис уча кетди.

«Пўлат қуш»имиз мусавфо осмон узра Омск томон елдек учиб борарди. Мен эса таассуротлардан энтикиб борардим. Она шахрим — Топкентни тепадан, олис-олисадан кузатардим. Учувчилар каби насосдан ҳаммаёқни бўсалол томоша қилиш мумкин. Бу ердан атроф-ангор, она-Ер ва булутлар салондан иллюминатордан кўра ахшироқ кўринади.

— Нега йилдан бери учалмасиз? — деб сўрайман командирдан.

— Э, ҳа, бунинг тарихи узун. Учувчиликка болаликдан ишқим тушган. Чол Ибн Хаттоб китобини ўқийвериб, унинг учар гиламига гоят ҳавасим келарди. Тушларимда Чол Ибн Хаттоб билан учиб чиқардим. Шунинг учун ҳам Тошкентдаги 22-мактабнинг ўнчининг синфини тутатгач, ҳеч иккинчидан қўйиб қўйиб, 1964 йили Наманганда ишлаб бўладим. «АН—2» самолётида далаларга дори сепдим. 1974 йили Ульяновскдаги олий ўқувчилик мактабини битирдим. Шу-шу катта самолётларда, аввал «ИЛ—18»да, сўнг «ТУ—154»да уча бошладим. Минвода, Сочи, Краснодар, Львов, Рига, Новосибирск, Омск, Москва каби катор шаҳарларга қатнашман...

Мен яна энтикиб, она заминга қарайман. Самолёт 11 минг метр баландликда бир текис учиб борар, қўллар, қўллар, ўрмонлар, шаҳарлар устидан ўтиб борарди. Ҳамон миямга йўловчиларнинг трапдан чиқатган қиёфаси ўрнашиб қолган эди. «Бир минут» дея салонга кўч қиримини ташлайман. Пассажирлар анча хотиржам. Ҳамма ўз ўй-хаёли билан борар, кимдир иллюминатордан булутларни томоша қилар, кимдир тамадди қилишга тараддуд қўларди. Уларнинг юзидан хотиржамлик аломати самолётнинг бир текисда, нормал учиб бораётганидан эди. Учувчилар ҳаво лавини моҳирона бошқариб боришарди.

— Командирнинг ҳақида нима де олмасиз? — гапта тутаман жиддий қиёфадаги Тожибой Эшмаҳамедовни.

— Унинг Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига делегат бўлганлигидан гоят хурсандим. Очқ партия йиғилишида ҳамма бир овоздан унга овоз беришди.

— Нега энди, бошқалар йўқми?

— Бор эди, албатта. Лекин Ғайрат Ғаниевич энг кўп овоз олди. Демократия асосида сайладик. У аъло даражадаги мутахассис. Замонамизнинг энг олди одамларидан. Менга ундаги қатъийлик ёқарди. Шунингдек, атрофдагиларга, одамларга бўлган меҳр-муҳаббати кучли. Ҳеч тиним билмайди, чарчамайди. Қайта қуриш учун мана шундай жонқуяр кишилар керак. Айна пайтда актив позицияда турганлиги учун ҳам юксак ишонча сазовор бўлди, деб ўйлайман.

Тожибой аянинг гапини ярим-эрти зшитаётган Ғайрат ана «Хў, жуда ошириб юбордингку», дегандек маъноли қараб қўйди.

Самолётимиз эса булутларни ёриб борарди.

— КПСС Марказий Комитетининг Тезислари ҳақида қандай фикрдасиз? — командирни яна сўроқда тутаман.


— Конференция муҳокамасига қўйилётган

масалалар жуда муҳим. Тезисларда айтилган гапларнинг амалга ошириш қайта қуришнинг жуда катта ютуғи бўлади. Биз конференциядан кўп нарсаларни кутмоқдамиз.

— Масала, шахсан Сиз коммунист-делегат сифатида нималарни кутмоқдасиз?

— Мен ҳаётимизнинг ҳамма жаҳалларини қайта қуришни истайман. Қўполроқ қилиб айтганда, турғунлик йилларида кўп соҳаларимиз «ўтириб»

Самолочини



қолди. Мана айтилик, жамиятимизнинг раҳбар ва ташкилотчи кучи бўлиш партия ишини олайлик. Энг аввало ана шу партия ишини қайта қуриш, КПССнинг ролини ошириш керак. Биргина мисол, ҳозирги пайтда райкомлардан наф бўлмапти. Район партия комитетларидаги бўлимларни тугатиб, биттадан инструктор қолдириш керак, деб ўйлайман. Уларнинг ҳар бири ўз территориясидаги корхоналарда партокм секретари вазифасини ўташлари ҳам мумкин. Албатта, бир йўла (район партия комитетлари агар қолса, албатта). Хўжалик ишларини улардан мутлақо олиш керак.

— Хўжалик ишлари, деганингиз учун ёдингиз тушди. Корхонанинг хўжалик ҳисобига ўтганими?

— Ҳа, ўтган. Лекин ҳали бу борадаги ишларимиз юришманпти. Чунки иқтисодий библимларимиз етишмайди. Менимча, партия ташкилотлари иқтисодий ўқувни йўлга қўйишга ва уни мунтазам олиб боришга эътибор беришлари керак. Хўжалик ҳисобининг пировард натижаси шундай:

даромадга қараб буромад. Бунинг ҳозир кўпчилиги тушуниб етмайпти.

— Хўжалик ҳисобини жорий этиш билан бирга, корхонага қандай муаммолар пайдо бўлмоқда?

— Биз хўжалик ҳисобига ўтгач, таъминот масалалари анча яхшиланди, керак, деб ўйлаган эдик: Аммо бунинг ҳозирча акси бўлди. Айниқса, самолётлар двигателларнинг етишмаслиги аққол сезилмоқда. Бизга ортқча двигателларни ниҳоятда кам беришади. Ремонт ишлари ҳам секин кетаяпти. Натижада икки-учта самолёт анча туриб қолади. Бу борада СССР Граждан авиациясини министрига бир неча бор мурожаат қилинди. Аммо министрликдан «Двигателлар йўқ, етишмайди» деган жавобни олмас.

— Демак, конференцияда Сизга сўз беришса шу ҳақда гапирар экансизда? Ёки бошқа фикрларингиз ҳам борми?

— Албатта, бор. Фақат бизда эмас, кўп жойда таъминот масаласи чатоқ. Бундан ташқари жойларда қайта қуриш ишлари суст кетаяпти. Аниқроқ қилиб айтганда, бу ишлар бир томонлама кетаяпти. Оғиз қўпиртириб, қуруқ танқид қилишнинг биламиз. Ошқораликни жуда ҳам ошириб юбордик, назаримда. Қуруқ танқид қилишмизу, танқиддан сўнг хулоса чиқариб олмаймиз. Ҳеч нарсга ўтгармай қолайти. Қани бизда, сўз билан иш берилик.

— Ғайрат Ғаниевич, Сиз мабодо депутат эмасми?

— Йўқ.

— Лекин шундай бўлса-да, депутатлар ҳақида қандай фикрдасиз? Чунки Тезисларда Советларнинг ролини ошириш ҳақида сўз боради.

— Бир пайтлари «Барча ҳокимият — Советларга» деган шир бўлар эди. Чунки Советлар ҳокимиятининг ваколатли органлари ва аҳолининг оммавий ташкилоти бўлиб келган. Давлатни ва ўзини бошқариш асосларини узвий равишда ўзига муҷассамлаштирган. Ҳаётимизни демократизациялашда уларнинг роли бағоят каттадир. Депутатлар билимдон кишилар бўлиши керак. Улар ҳар бир масалани ҳал этишга қодир кишилар бўлиши лозим. Негани, улар ҳалқ вакили. Халқнинг нақазини бажарадилар.

— Айна пайтда Сиз нималарни ёқтирмайсиз?

— Қуруқларни. Бачканачиликни. Лоқайдликни. Қоғозбозликни.

— Айна пайтда нимани ёқтирасиз?

— Сўз билан иш берилишини. Ваъданинг устидан чиқишини. Ҳақиқат тантана қилишини.

...Шу пайт самолётимизнинг Омскка яқинлашиб қолганлиги маълум бўлди. Омск Сибирь шаҳарларининг энг гузалларидан бири. Самолётдан у янада жоизбадор қўлариди. «ТУ—154» пастлаёт бошлади. Самолёт гилдираклари ерга бир урилди-ю, асфальт-бетон узра яна пилдираб кетди. Одамлар енгил нафас олдилар. Энди уларнинг чехларидан табассум ёғилиб турар эди. Мен бу табассумни кинжак аъзоларига қисбатан миннатдорчилик изҳори деб билидим. Улар трапдан тушар эканлар, кўҳлиқина стюардесса қизга раҳматлар айтиб тушди. Биз шаҳарни айландик. Сўнг яна жонанж шаҳримиз — Тошкентга қайтдик. Йўлда Ғайрат Ғаниевич билан бўлган суҳбатимиз қизгин давом этди. Чунки у билан бир-биримизга анча ўрганиб, киришиб қолган эдик-да! Келинг, яхшиис мен бу ҳақда делегатимиз Бутуниттифоқ XIX партия конференциясидан қайтгандан сўнг сўзлаб берай. Ҳозирча биз Ғайрат Ғаниевич Ғаниевга «Оқ йўл» дея, янги парвозлар тилаб қоламиз: учавер, само лочини!

Т. ТОШЕВ,
Тошкент — Омск — Тошкент.

Электроника — лойиҳачи ҳаммуаллифи

Лойиҳачининг иши — ижодий иш, дейишади. Лекин аслида унинг ижодаги вақти кўпам қолавермайди. Нукўл техникавий иш бўлган чизмалар чизишга кўп куч сарфлаш лозим. СССР алоқа министрлигининг Тошкентдаги иккинчи давлат алоқа лойиҳалаш институтида иш бошқаровчи ташкил этилган. Бу ерда интерактив графика системасининг иккинчи навбати — лойиҳалаш ишларининг катта қисмини автоматлаштириш имконини бердиган «Сигрис» системаси жорий этилди.

Бу компьютер синф хонаси эмас, балки лойиҳа устакхонасидир. Гарчи одатдаги чизмачилик доскалари, чизгичлар, қаламлар, катта ҳажмдаги қоғоз саҳифалари бўлмаса-да, ҳар қалай, бу ер лойиҳа устакхонаси. Чотроқина телевизорларни эслатдиган унча катта бўлмаган дисплейлар бор.

«Сигрис» системасини ишлаб чиқишга бундан қарийб икки йил муқаддам киришган эди. Аввало, электроник соҳадаги машиналар билан «чумили» тил топилиди. ЭХМ хотирасига киририлган шахсий қўлбўхона билан ишлаш имконини ажуғда келди, зарур бўлиб қолганда, электрон архивдан илгаричи чизмалар ҳам олинмоқда. Экранда симметрик деталнинг бир қисми «чизилса» бас қолган машинанинг зиммасига тушади. Экранда эса лойиҳа барча қисмларининг масштабини кичрайтирмасдан, худди лупада кўргандек кўрса бўлади. Турлича лойиҳалаш имконияти очилди. Ана шулардан энг ахшисини танлаб олса бўлади. Шу тўғрйли қурилишда сурат жадаллашди, материаллар тежаллади.

«Сигрис»нинг иккинчи навбати қўшимча имкониятлар оқди. Шу ишга бош қўшган мутахассислардан бири Сергей Бронштейн системанинг янги кўнималарини кўрсатди.

Кўз ўнгимизда автомат телефон станциясининг лойиҳаси бўлиб қолмоқда. Махсус буйруқдан кейин экранда аниқ чизилар, шакллар пайдо бўлади, шрифтларнинг барча номерлари турлича бурилиш бурчаги

билан машинага киритилаверади.

— Энди «хато» қилишга уриниб кўрайлик, — дейди жиймайиб Сергей.

Лекин бундай қилиб бўлса: дарҳол «хато қилдингиз» деган табло ёнади. Хато тузатиладиган қилишга ЭХМ ишни давом эттиришга рухсат беради.

— «Сигрис»нинг жорий этишда лойиҳачиларнинг ўзлари ёрдам беришди, — деди лойиҳа ишларини автоматлаштириш бўлимининг бошлиғи Р. Хейфец.

— Технология бўлими мутахассиси К. Ротов ва лойиҳалар бош инженери В. Штейнберг вазифаларини ифодалаб беришга ёрдамлашдилар. Дарҳақиқат, ЭХМни нимага ўргатиш лозимлигини ҳеч ким мутахассислардан яхши билмайдик.

Айтилик лойиҳачининг қандайдир бир қисми таниб бўлди. Машинага қилинган ишни ахборот йиғувчи махсус материальни магнит дискетасига ёзиб қўйиш топирилади. Ундан маълумотлар лентга ўтказилди ва низоҳат графика қурилмаси ёрдамида чизилди. Қўшим хонада кўз ўнгимизда чизма пайдо бўлаётганлигини кўрдик. Калъа устида электрон «қўл» илдам ҳаракат қилиб, аниқ чизилар чизмоқда. Зарур жойда штрихлар чизилмоқда. Шарҳлар эса одатдаги ҳарфлар билан ёзилмоқда. Низоҳат тажрибали чизмачига нисбатан бир неча ўн баравар тезроқ ва ахшироқ ишлайдиган бу графика қурилмаси бир иш кунинда жуда катта ҳажмдаги 30—40 та чизмани тайёрлаб бериши.

У минут деганда қўлимизга табиқ чизмани узатишди. Бу чизма лойиҳачининг энг янги автоматлаштирилган ишларини графика қурилмасида ишланган. Институт яқинда олган техника туркуми шундайки, ўн та дисплейда бир вақтнинг ўзида 10 киши ишласа бўлади. Энг муҳими, эндиликда лойиҳалар комплекс тарзда тайёрланмоқда.

— 19 процент лойиҳалаш ишларини йил давомида автоматлаштириш мажбуриятини олган эдик, бу топириқни

ҳозирнинг ўзидаёқ бажариб қўйдик, — деди институт раҳбари А. Иноятлов. УЗТАГ муҳбирига. — Биринчи қавратининг ўзидаёқ қарийб 1 миллион сўмлик иш бажарилди. Лойиҳачиларнинг меҳнат унумдорлиги ҳам, сифат кўрсаткичлари ҳам яхшиланди. Қамроқ мутахассислар эндиликда кўпроқ ишларни бажаришмоқда. Лойиҳаларимиз асосида қуриладиган алоқа объектилари қиймати камайди, деб турибмиз.

Системада ишлаш осон, ўрганиш учун бир-икки ҳафта кифоя қилади.

Ҳозир институтда мутахассисларга лойиҳалашини аўтоматлаштириш асослари ўргатилмоқда. Дарҳақиқат, электроникани яхши ишлатиш учун компьютер билими зарур, айрим хусусий вазифаларни бажариш кифоя қилмайди, компютерда ишлатишнинг бутун системасини, ишларнинг бутун туркумини билиш керак.

«Сигрис» мамлакатдаги кўпчилик мутахассисларнинг эътиборини тортиди. Унинг программасини ишлаб чиққан коллектив — Тошкентдаги 2-давлат лойиҳа алоқа институти графика ишларини автоматлаштириш бўйича бош муассасга айланди. Кивадаги қурилишда планлаштириш ва бошқаришнинг автоматлаштирилган системалари илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Программа ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистон Давлат Агросаноат комитетининг бош ахборот-хисоблаш марказида, пахтачилик учун машиналар давлат махсус конструкторлик бюросида ва бошқа корхоналарда жорий этилди.

«Сигрис»нинг учинчи навбати оид ишлар давом этмоқда. Аввал инженер кхтиёрида фақат шахсий компьютер бўлар эди. Эндиликда унга яна ҳам қудратлироқ ЭХМлар ёрдамга келиши мўлжалланмоқда. Бу лойиҳалашини автоматлаштиришда янги имкониятлар яратди. Беш йилликнинг охирига келиб, тўртта лойиҳадан биттисини электроник ёрдамида бажаришдан вазифа рўёбга чиқади.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ



Хоразм областидаги «Хорезмсовхозстрой» трестининг азамат бунёдкорлари ўтган йили зарбдор меҳнат билан ажувлашга муваффақ бўлган эдилар. Социалистик мажбуриятининг барча шартлари қурилиш ташкилотиде пухта адо этилиб қатор объектлар фойдаланишга топширилди. Қурувчилар 1368 гектар янги майдонни ўзлаштириб, 3562 гектар ер-

нинг мелiorатив ҳолатини ахшладилар. 11 минг 511 квадрат метр турар жой ишга туширилди. Бунинг эвазига қурилиш трести йилга зарбдор якун ясаб Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси голиб бўлди. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга

К. Отаев фотоси, (УЗТАГ).

Агросаноат янгиликлари

УНУМДОРЛИКНИ ОШИРИШ УЧУН

Сирдарё областидаги «Малин» совхозида унумдорлигини ортиради янги бўйи ишлайдиган бўлди. Ойриқ аъзолари бешта кучли трактор ва автомашина ёрдамида органик ўғит тайёрламоқдалар.

Совхозда ҳисоблаб қурилишча, йиллик органик ўғит запаси бутун экин майдонига етар экан. Шунинг учун ҳам махсус карта тузиб, ўғитга айнама муҳтож ерлар белгилаб чиқилди.

Вуттур бу ерда 568 гектар ерга ўғит солинган. Ҳар гектар ер 20 тоннадан компост

олди. Эндиликда яна 600 гектар ўғитсизраган ер танланди. Унинг ҳар гектари кузги шудгорлашда 25—30 тоннадан маҳаллий ўғит олади.

ХАРИДОРЛАР МАМНУН

Ўш — Андижон — Наманган автомобиль йўлидаги сайёҳлар машинада кетяётиб, йўла-йўлаёқ, янги сабазот харид этишлари мумкин бўлиб қолди. Олтинқўш районидан Калинин номи совхоз сабазоткорлари ўз далаларидан юнчи қадам наридаги йўл ёқасига шарқона услубда безатилган дўконча ўрнади.

Тоққалларда янги помидор, бодринг, хандалак, ошқулар

турибди. Мева шарбатлари, қатик, айрон ҳам топилади.

Қолхоз области марказининг воясал ёндагиди майдонда, Андижоннинг аҳоли эҳтиёжларини микрорайонларида ҳамда қолхоз бозорларида ҳам сабазот, мева, узум ва гул сота диган шундай фирма дўконларини очди. Натижада қолхоз кассасига ҳар кунги бир неча минг сўм тушмоқда. Чумоқчи бу салво дўконлари йил бўйи ишлайди. Қишда эса катта теппица хўжалигидан ҳосил олинади.

(УЗТАГ муҳбири).

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ВАДИЛАР

Телетайп лентасидан

© Афғонистон учун энг муҳим транспорт узели — Ҳайрапорт порти қирғоқларини мустақамлаш ишлари ва бандаргоҳ девори қурилиш эвазига янада пухта ва самарали ишлар қилинган бўлади. Мазкур ишлар шу йилнинг баҳоринда мўлжалланган хўжалиқлар аро битимига асосан совет ва афғон ташкилотлари томонидан амалга оширилди. Кеча Кобулда янги контракт тузилди. Ана шу контрактга биноан совет томонини лойиҳа-қидруш ишларини бажариш, зарур ускуналар ва материалларни етказиб бериш, мутахассисларни йўллаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

© АКШнинг ҳукумат билан контрареволюция ўртасидаги қиёсий мулоқот қарёвининг барбод этишга уринишга қарамай Никарагуа сиёсий барқарор этиш йўлларини излаишда давом этади. Никарагуа

Ҳаракат қилган муродиға етади

Кунини кеча барча қишлоқларда тинчлик учун ва инсониятни ядро уруши оловиде қирилиб кетиши хавфидан халос этиш учун қудратли халқ намоишлари бўлиб ўтди. Ер юзидаги тинчликсевар кучлар шу билан иккинчи бор жаҳон миқёсида урушга қарши ана шундай тадбир ўтқиздилар. Бундан илгаричи халқ намоишлари сингари бу галисис ҳам Америка бомбардимончиларининг ядро шаширини инсоният кўксига биринчи бор тиг урган Хиросима ва Нагасаки шаҳарлари жойлашган мамлакатда болланди ва Нью-Йоркда, Бирланган Миллатлар Ташкилоти бирода эинда яқинлади, бу ерда эса ҳозир БМТ Бош Ассамблеясининг қўроқсизлигини масалаларига бағишланган учинчи махсус сессиясиз ишланмоқда сессияда қўроқлашнинг лойиҳасини жиловлашни кенгайтириш ва қўрқулатиш, низоҳатда хавфли ва зиятчи беқарор этадиган ом-

мавий киргин воситаларини қисқартириш ва йўқ қилиб юборишнинг асосий масалалари муҳокама қилинмоқда.

Хиросима ва Нагасаки шаҳарларида дастлабки минглар бўлди, уларнинг қатнашчилари умумий Мурожатнома қабул қилдилар, унда жумладан, бундай дейилган: «Ўтган йили декабрь ойида ўртача ва қамроқ оқислик ракеталари тўғрисидаги Совет — Америка Шартномасининг имзоланиши шунини кўрсатиб турибди...» Ядро қурулини йўқотиб юбориш бу туш ҳам, самарасиз назария ҳам эмас, балки эришса бўладиган мақсаддир. Ядро қурулини сақлаб қолш мақсадида «ядровий тийиб турш» назариясини тиклашга уринишлар бўлаётган ҳозирги вақтда биз ҳаққаро ижтимоий фикр ва тинчлик тарафдорлари ҳаракатини ядровий қурулга қарши курашга, тинчлик учун курашга сафарбар этишимиз керак».

богани пасттекисликлар ёнда қоялар қад кўтарди. Денгиз соҳили эса алоҳида зонага ажратилди.

Ҳозирга қадар қўриқхона театар атрофи бўйлаб уч метр баландликдаги тулроқ тўсиқ тўкилиб, бош дарвоза қуриди, пиймоник ва оранжирей ташкил этилди. Баландлиги йилгирма икки метрлик минора қурилиши мўлжалланмоқда. Ана шу минорадан турб аэропортдан бутун районни, минг томо-

лан даф этилган. Душманинг юзлаб аскарлари ўлдирилди ва ярадор қилинди, кўпдан кўп жангавар техникаси яқсон этилди.

Кунини кеча Ироқнинг қирувчи-бомбардимончи самолётлари Мехрондан шимолда жойлашган Илом шаҳри райониде Эроннинг чегара ёқасидаги объектларига минг марта бомба ташлади. Иломдаги ҳарбий аэродромга қилинган ҳужум чоғида икки вертолёт эрон элида этилди. Ўтган суткада Эрон авиацияси Форс ва Уммон кўрфазларини чет эл кемаларини кузатга бориб, соқчилик учимларини давом эттирди.

Эрон артиллерияси фронтнинг гарбий участкасидаги Калале ва Сумар районларида Ироқнинг танк бўлинималарига ўт очди.

© СОФИЯ. Болгарияда ҳафтанинг сўнгги иш кунини байрамона тугади. Бундан ўн кун аввал мамлакатнинг миллион-

миллион гражданилар Совет-Болгария иккинчи космик парвозининг дастлабки секундларини телеэкранларга боқиб ҳажмон билан кузатгандилар. Болгария телевидениесининг репортажи тўғрйли улар космонавтар Анатолий Соловёв, Виктор Савиних ва Валер Александр Александровнинг ерга қайтиб тушларини томоша қилдилар.

БМТ Марказий Комитетининг бош секретари, БХР Давлат Кенгашининг раиси Тодор Живков учини илкий программаси муваффақиятли тўғрйлиги муносабати билан болгар халқи номидан қаҳрамон космонавтарини кўтларди. Интернационал экипаж, уларнинг космосдаги ҳамкасблари ва ердаги дублёрлари БХР давлат мукофотлари билан тақдирланди.

© НЬО-ЙОРК. БМТ Хавфсизлик Кенгаши Жанубий Африка маълумурларига

мурожаат этиб, «Шарпевиллик олтовлонини қатл этишни кечтиришга ҳамда Жанубий африкалик олти ёшнинг устидан чиқаришга ўлим беқор қилинишга даъват этди.

© ПАРИЖ. Шаррос қўйган ёлғир катта тошқинларни вулжуда келтириб, Франциянинг гарбий ва марказий районларини сув босди.

© ВАРШАВА. Европа олий ўқув юртлари ректорларининг конференциясида умумий мерос — Европа маданиятини шакллантиришда университетларнинг роли асосий давзу қилиб олинди. Конференцияда Гарбий Европа ва бир қанча социалистик мамлакатлар олий ўқув юртларининг 80 дан ортиқ ректори қатнашди. СССР, Болгария, Венгрия, ГДР, Чехословакия вакиллари конференцияда биринчи марта кузатувчилар сифатида тақлиф этилди.

Объективда — Япония



Япония радио ва телевизорларининг янги турларини яратиш ва ишлаб чиқариш соҳасида ҳақли равишда биринчи ўринни эгаллаб турибди. «Сони» фирмасининг энг янги махсуслотлардан бири — ҳажми қалин китобга тенг телевизор ва видеопроставадан иборат кўл системасидир. Ичмам техниканинг вази 1,1 килограмм келади. Ез мавсумининг охирида ана шу кўл видеосистемаси икки бозорларга савдога чиқарилади.

Рейтер — ТАСС телефотоси.

олинган колумбиялик икки контрабандачининг устамондиги кўпни кўрган маҳаллий божхона ходимларини ҳам ҳайратда қолдирди.

Фақат тасодифгина улар олиб ўтаётган наркотик моддаларини топи

